

**БИЙКУЗИЕВ АСХАТ АБДУНАБИЕВИЧ**

**КУШОН-ҚАНҒ АЛОҚАЛАРИ: ЎРТА ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ВА ЎТРОҚ  
ХАЛҚЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИ**

**07.00.01. – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижиси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Бийкузиев Асхат Абдунабиевич**

Кушон-Қанғ алоқалари: Ўрта Осиё кўчманчи ва ўтроқ халқлари  
муносабатлари.....1

**Бийкузиев Асхат Абдунабиевич**

Кушано-Кангуйские связи: взаимоотношения кочевых и земледельческих  
народов Средней Азии.....21

**Biykuziev Askhat Abdunabievich**

Kushano-kangui relations: relationship of nomadian and agricultural peoples of  
Central Asia. ....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БИЙКУЗИЕВ АСХАТ АБДУНАБИЕВИЧ**

**КУШОН-ҚАНҒ АЛОҚАЛАРИ: ЎРТА ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ВА ЎТРОҚ  
ХАЛҚЛАРИ МУНОСАБАТЛАРИ**

**07.00.01. – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



**Тошкент– 2021**

Тарих фанлари бўйича филозофия доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Таг42-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот таълим портали ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Атаходжаев Азимхўжа Музаффарович  
тарих фанлари доктори

**Расмий тақризчилар:** Мавланов Ўқтам Маҳмасобирович  
тарих фанлари доктори, профессор

Матъякубов Халил Ҳайитбаевич  
тарих фанлари номзоди, доцент.

**Етақчи ташкилот:** Самарқанд Давлат Университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория) Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.). Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2021 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(20\_\_ йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

Илмий даража берувчи комиссиянинг кенгаши раиси, т.ф.н. профессор \_\_\_\_\_

Илмий даража берувчи комиссиянинг кенгаши илмий котиби, т.ф.н. доцент \_\_\_\_\_

Илмий даража берувчи комиссиянинг кенгаши раиси, т.ф.н. профессор \_\_\_\_\_



## Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги глобаллашув шароитида мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция жараёнлари ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун кенг йўл очиб бермоқда. Халқаро ташкилотлар фаолиятида ҳам мазкур масала муҳим аҳамият касб этиб, амалга оширилаётган дастурларда ҳар бир халқнинг кадриятлари, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш эътиборга моликдир. Зеро, мазкур жараёнда бой қадимий давлатчилик тажрибасига эга халқлар моддий-маънавий меросини тарғиб этиш ва келажак авлодга етказиш ҳамжамият олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида Ўрта Осиё минтақасида кечган миграция жараёнлари ва уларнинг ўлка халқлари ҳаётига таъсири, Кушон империясида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Қанғ давлати билан олиб борган ўзаро алоқаларига оид қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, минтақадаги урбанизацион жараёнлар, ўзаро маданиятлар алмашинуви, хўжалик ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда улардан замонавий ислохотлар жараёнида фойдаланиш, давлат бошқарувидаги ўзгаришларни кенг татбиқ қилиш, минтақадаги антик давлатлар олиб борган ҳамкорлик масалаларини ҳолисона таҳлил этиш каби ишлар шулар жумласига киради.

Бугунги кунда мамлакатимизда фан ва таълим ривожини таъминлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш зарурати 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>. Бу борада ўзбек давлатчилиги тарихида муносиб ўрин эгаллаган Кушон ва Қанғ давлатларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг минтақа халқлари ҳаётига кўрсатган таъсири, моддий ва маънавий маданияти масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2018 йил 18 январь Ф-5181-сон «Моддий-маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойишида белгиланган илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда бошқа метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4758>.

инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрганилаётган мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишларга оид ишларни даврий жиҳатдан *уч гуруҳга* бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳга Россия империяси ҳукмронлиги ва Совет Иттифоқи даврида яратилган илмий асарлар; иккинчи гуруҳга эса мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва МДҚ давлатларида яратилган илмий адабиёт, монография, рисола, мақолалар, учинчи гуруҳга эса хорижда яратилган адабиётлар киритилди.

*Биринчи гуруҳ* адабиётларининг хусусияти шундаки, мазкур даврда қатор илмий изланишлар олиб борилганига қарамай, ушбу адабиётларда Кушон ва Қанғ давлатларининг асосчилари бўлган кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишда нисбатан кўпроқ иқтисодий хусусиятга эга омил бирламчи қилиб кўрсатилган<sup>2</sup>. Шунингдек, кўчманчи сак ва юе-чжиларнинг миграциясига оид даврлаштириш ва уларни Ўрта Осиёнинг жанубига келиб жойлашуви натижасида юзга келган ўтроқлашиш жараёни тизимли таҳлил этилмаган. Бу эса мавзунинг тадқиқ этишда, ижтимоий-сиёсий ва маданий ёндашувларни талаб қилади.

*Иккинчи гуруҳга* кирувчи илмий адабиётлар 1991 йилдан кейин Ўзбекистонда ва МДҚ давлатларида ёзилган бўлиб, уларда янгича ёндашувлар ва тарихий ёритишда етарли даражада ҳолисликка эътибор берилди<sup>3</sup>. Ушбу тадқиқотларда антик даврда Ўрта Осиёда яшаган ўтроқ ва

<sup>2</sup> Ставский Б.Я. Кушанская Бактрия: Проблемы истории и культуры. – Москва, 1977; Горбунова А.Г. Роль традиционных путей передвижения скотоводческих племен и сезонных перекочевок в сложный торговых – путей древности // Формирование трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. – Ташкент, 1990; Бонгард-Левин Г.М., Ильин Р.Ф. Индия в древности. – Москва, 1985; Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн (к историко-культурным связям племен южной России и Средней Азии). – Душанбе, 1968; Пугаченкова Г.А. Делверзинтепе. – Ташкент, 1978; Бернштам А.Н. Очерк истории гуинов. – Ленинград, 1951; Пугаченкова Г.А. Искуство Бактрии эпохи кушан. – Москва, 1979; Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. – Ташкент, 1990; Литвинский Б.А. Среднеазиатские народы и распространение буддизма история, археология и этнография Средней Азии. – Москва, 1968; Шарпа Р.Ш. Древнеиндийское общество. – Москва, 1987; Пидяев Ш.Р. Поселение кушанского времени в Северной Бактрии. – Ташкент, 1978; Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана. Бактрийские древности. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. – Ленинград, 1976; Зуев Ю. Юэчжи и кушаны в свете китайских источников – Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. 1. – Москва, 1974; Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса (Историко-археологический очерк Чага и Илака). – Ташкент, 1975; Пидяев Ш.Р. Поселения Кушанского времени Северной Бактрии. – Ташкент, 1978; Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғдилар. – Тошкент, 1990 ва бошқалар.

<sup>3</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент, 2001; Байпаков К., Таймагамбетов Ж.К. Археология Казахстана: Учебное пособие для студентов вузов. – Алматы: Қазақ университеті, 2006; Вайнберг И.В. Этногеография Турана в древности VII в. до н.э. – VIII в. н.э. – Москва, 1999; Боровкова Л.А. Царство Западного края II-I в. до н.э. (по “Ши цзи” и “Хань Шу”). – Москва, 2001; Кушанское царство (по древним китайским источникам). – Москва, 2005; Пьянков И.В. Средняя Азия в Античной географической традиции. – Москва, 1997; Хазанов А.М. Кочевники и внешний мир. – Алматы, 2000; Крадин Н.Н. Кочевники Евразии. – Алматы, 2007; Крадин Н.Н. Империя Хунну. – Москва, 2001; Кычанов Е.И. Формы ранней государственности у народов Центральной Азии // Северная Азия и соседние территории / Отв. ред. В.Е.Ларичев. – Новосибирск, 1992; Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. – Ташкент, 1994; Подушкин. А.Н. Арыская культура Южного Казахстана. IV в. до н. э. VI в. н. э. – Туркестан: Изд-во “МКТУ” имени Х.А.Ясави, 2000; Пидяев Ш. Қадимий Термиз. – Тошкент, 2001; Полибий. История. Том. II. Перевод Мищенко Ф.Г. – Санкт-Петербург: изд. «НАУКА», 2005; Зуев Ю.А. Ранние

кўчманчи халқларнинг миграцияси ва ўзаро маданий алоқалари тизимли равишда ўз аксини топган. Қадимги Хитой ва антик даврга оид манбаларни ўрганиб изоҳлаш билан якунланади.

Учинчи гуруҳга кирувчи хориж адабиётлар, асосан, Кушон давлатидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт билан шуғулланган хорижлик олимларнинг асарларидир<sup>4</sup>. Уларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар ёзма ва моддий манбалар асосида янгича даврлаштириш асосида ёритилгани эътиборга моликдир. Шунга қарамай, қадимги Кушон ва Қанғ давлатлари ўзаро алоқалари тарихи ҳозирга қадар ягона тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилмаган.

Мазкур тадқиқотларнинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур мавзуга оид махсус монография ёки умумлаштирилган иш ҳозирга қадар мавжуд эмас. Мазкур мавзу алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ишлар режасидан ўрин олган ОТ-А-1-99-сонли “Хорижий адабиётлар асосида Олий ўқув юртлири учун Жаҳон тарихи

---

турки: очерки истории и идеологии. – Алматы, 2002; Аширов А. *Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари*. – Тошкент, 2007; Мавлонов У.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиши босқичлари. – Тошкент: Академия, 2008; Буряков Ю.Ф. Канка и Шохрузия. Древние города Чача и Илака на Великом Шелковом пути. –Ташкент, 2011; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимги ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013; Байпаков К.М., Войкин Д.А. Казахский отрезок Великого Шелкового пути в серийной номинации ЮНЕСКО. “Археологическая экспертиза”. – Алматы, 2012; Байпаков К.М. Выдающиеся археологические памятники Казахстана. – Алматы: Асыл Сөз, 2014; Пидаев Ш. Новые находки гем и их оттисков с городища Старый Термез // Российская археология. – № 3. – Москва, 2013; Мкртычев Т.К. Буддийское искусство Средней Азии (I–X вв.). – Москва, 2002; Двуреченская Н.Д. Предварительные материалы археологических работ 2014 г. на крепости Узундара // Проблемы истории, филологии, культуры. – Москва-Магнитогорск-Новосибирск, 2015; Двуреченский О.В. Бронзовые наконечники стрел крепости Узундара // КСИА. – № 248. ИА РАН. – Москва, 2017; Ртвеладзе Э.В. Кушанское царство: Династия, государство, народ, язык, письменность, религия. – Ташкент, 2019; Ходжаев А. О топониме Канцзюй в древнекитайских источниках / “O‘zbekiston-Xitoy: Tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalari rivoji” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2020; Doniyorov A. Markaziy Osiyo xalqlari tarixshunosligi. – Toshkent, 2020; Сулейманов Р. Следы дахо-сарыатского культурного наследия в Древнем Туране и Руси // Археология, этнография и антропология Евразии. Том 49. – № 3. – Новосибирск, 2021 ва бошқалар.

<sup>4</sup> Chen G., Zhou X., Wang J., Ma J., Khasanov M., Khasanov N., Spengler R.N., Bermidurovov A., Li X. Kushan Period rice in the Anu Darya Basin: Evidence for prehistoric exchange along the southern Himalaya // Science China Earth Sciences, Beijing, 2020; Mukherjee B.N. Nanao Lion. A Study in Kushana Numismatic. – Calcutta, 1969; Mac Dowall D. Numismatic Evidence for the Date of Kanishka – Papers on the Date Kanishka. – Leiden, 1968; Renfrew C. The Emergence of Civilization: the Cyclades and Aegean in the third millennium B.C. – London: Methuen, 1972; Sims-Williams N., Cribb J.A. A new Bactrian Inscription of Kanishka // Silk Road Art and Archaeology. IV. – Kamakura, 1994; Altheim F. Geschichte der Hellenen. – Baden-Baden. 1957; Borovkova L. The Problems of Kushan Chronology I-II A.D. according to Chinese Sources. – Information Bulletin IASCCA. 21. – M., 2000; Enoki K., Koshelenko G.A., Haidary Z. The Yüeh-chih in Gansu // History of Civilizations of Central Asia. Volume II. The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 B.C. to A. D. 250. – Paris, 1994; Nicolaus Boroffka, Svend Hansen. Archaologische Forschungen in Kasachstan, Tadschikistan, Turkmenistan, Turkmenistan und Usbekistan. – Berlin, 2010; Wright W. Catalogue of the Coins of Parthia. – London, 1903; Renfrew C. The Emergence of Civilization: the Cyclades and Aegean in the third millennium B.C. – London: Methuen, 1972; Renfrew C. Approaches to Social Archeology. – Cambridge, Maas.: Harvard University Press, 1984.

дарслигининг 1-томини тайёрлаш” мавзусидаги (2017-2018 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Кушон-Қанғ давлатларидаги кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг ўзаро муносабатлар тарихини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мил.авв. II асрларда Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этган кўчманчи сак ва юе-чжиларнинг ўзаро алоқаларининг миграцион жараёнларга таъсирини ёритиш;

антик даврда Юнон-Бақтрияда яшаган маҳаллий ўтроқ аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳолатини ёритиш;

кўчиб келган номадларнинг маданий ҳолатини ўтроқ аҳолига нисбатан қиёсий таҳлил этиш;

юе-чжиларнинг Бақтрияда седентаризацияга учраш жараёнига оид муаммоларни аниқлаш;

Кушонлар империясини юзага келиш сабаб ва омилларини ёритиб бериш;

Қанғ давлатини пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётига кушонларнинг таъсирини ёритиш;

Қанғ подшолигининг давлатчилик анъаналарини манбалар асосида ўрганиб, таҳлил қилиш;

Кушон ва Қанғ давлатларининг Буюк Ипак Йўлида олиб борган савдо-иқтисодий алоқаларининг маданий аҳамиятини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида антик даврда Кушон-Қанғ алоқаларида кўчманчи ва ўтроқ халқлар муносабатларининг ўзаро таъсири танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** Кушон ва Қанғ давлатлари ўзаро алоқаларида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик ва объективлик, хронологик кетма-кетликда тарихий-қиёсий таҳлил, мавзуга оид ёндашувлар ва илмий қарашларнинг танқидий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Антик даврда Икки дарё оралиғи ва Бақтрияга кириб келган юе-чжи, сак, юнон-македон каби этносларнинг маҳаллий халқлар билан яқинлашуви жараёнида юе-чжиларнинг (Эски Термиз, Далварзинтепа, Тулхар, Холчаён ва бошқалар) ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маъмурий тизими номадизм ўзагида (беш вилоятга бўлиб бошқариш) вужудга келганлиги асосланган;

Сирдарё бўйларида жойлашган Қанғ конфедерациясида кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг ўзаро муносабатлари Қовунчи, Ўтрор-Қоратоу ва Жетисар маданиятлари асосида юксалишга имкон яратиб, пировардида сиёсий бирлашув, седентаризация ва ўтроқлашувига олиб келганлиги исботланган;

Кушон империяси ва Қанғ давлати ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалари антик даврда Чоч, Суғд, Дахя (Амударёнинг ўнг

соҳили) ва Янчай (Орол бўйи) халқларининг яшаш шароитида ижобий ўзгаришларга олиб келиш баробарида номадизмнинг инқирозини бошлаб берганлиги асосланган;

Номад ва ўтроқ маданиятлар симбиози натижасида Кушон шаҳарларининг Қанғ давлати дарё цивилизацияси ўзагидаги шаҳарсозликка маданий таъсири оқибатида Сирдарё этакларида янгича меъморчилик (эллинка тўрт бурчак ва маҳаллий доира шаклдаги аркни қуриш усули)нинг вужудга келганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Кушон ва Қанғ давлатлари даврида Ўрта Осиёда яшаган кўчманчи ва ўтроқ халқлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалар тарихи моддий ва ёзма манбалар асосида ўрганилиб, унинг хронологиясига янгича ёндашув асосида аниқлик киритилган;

Қанғ давлатининг сиёсий чегаралари ва таъсир доираларининг юзага келишида кўчманчи жамиятининг ўзига хос ўрни белгиланиб, ўтроқ халқнинг маданий аралашувининг даврий чегаралари илк марта муомалага киритилган;

Ўзбекистон тарихининг қадимги даврини ўқитиш ва ўрганиш учун муҳим амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда Ўзбекистон тарихи фанига доир илғор ёндашув ва усуллар қўлланилиб, қадимги Хитой ва антик даврга оид манбалар, дала тадқиқотлари натижасида олинган моддий манбалар ҳамда тарихий адабиётлардан фойдаланилган ҳолда тайёрлангани, олинган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан исботланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертациядаги янги маълумотлар жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг антик даври тарихий жараёнлари бўйича қарашлар ва назарияларни такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамият тарихий маънавияти, маданий тараққиёти, умуминсоний қадриятлар, маданий меросни ўрганишга бағишланган давлат дастурларини бажаришда, шунингдек, дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар тайёрлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кушон-Қанғ алоқалари: Ўрта Осиё кўчманчи ва ўтроқ халқлари муносабатларини тадқиқ этиш жараёнида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

Антик даврда Икки дарё оралиғи ва Бақтрияга кириб келган юе-чжи, сак, юнон-македон каби этносларнинг маҳаллий халқлар билан яқинлашуви жараёнида юе-чжиларнинг (Эски Термиз, Далварзинтепа, Тулхар, Холчаён ва бошқалар) ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маъмурий тизими номадизм ўзагида (беш вилоятга бўлиб бошқариш) вужудга келганлигига доир илмий

хулосалар олий ўқув юртларининг тарих йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Жаҳон тарихи (I том, I қисм)” дарслигида (Тошкент: “Navto‘z” нашриёти, 2018 й. – 259 б.) ўз аксини топган (Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғи асосидаги гувоҳнома). Ушбу илмий натижалар талабаларда тарихий тафаккурни шакллантириш, ўлка халқлари маданий меросини ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш имконини берган;

Сирдарё бўйларида жойлашган Қанғ конфедерациясида кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг ўзаро муносабатлари Қовунчи, Ўтрор-Қоратоу ва Жетисар маданиятлари асосида юксалишга имкон яратиб, пировардида сиёсий бирлашув, седентаризация ва ўтроқлашувига олиб келганлигига оид натижалардан олий ўқув юртларининг тарих йўналиши талабалари учун “Жаҳон тарихи (Қадимги Шарқ, Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи)” ўқув қўлланмаси (Тошкент: “Navto‘z” нашриёти, 2018 й. – 303 б.) мазмунида ўз аксини топган (Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сонли буйруғи асосидаги гувоҳнома). Мазкур илмий натижалар Кушон-Қанғ алоқаларига оид воқеалар ривожини манбалар асосида тўлдириш баробарида талабалар илмий салоҳиятининг ортишига ҳам имкон берган;

Кушон империяси ва Қанғ давлати ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалари антик даврда Чоч, Сугд, Дахя (Амударёнинг ўнг соҳили) ва Янчай (Орол бўйи) халқларининг яшаш шароитида ижобий ўзгаришларга олиб келиш баробарида номадизмнинг инқирозини бошлаб берганлиги каби натижалардан Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали давлат-унитар корхонасининг 2021 йил 27 майдаги 40-40/847-сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 2 та хорижий журналда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 143 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ўрганиш зарурати, тадқиқотнинг манбавий асоси, тадқиқотнинг даврий чегараси,

ўрганилиш даражаси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда химояга олиб чиқиладиган асосий масалалар баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Юе-чжилар миграцияси ва унинг Ўрта Осиё минтақасига таъсири**” деб номланган бўлиб, мазкур боб икки параграфдан иборат. Ушбу бобнинг биринчи параграфи “*Катта юе-чжи (да юе-чжи)лар иттифоқи ва унинг қўшни қабилалар билан муносабатлари*” деб номланган. Қадимги хитой солномачиларининг маълумотларига кўра, юе-чжилар икки уруғ – катта ва кичик юе-чжиларга бўлинган. Уларнинг асосий машғулоти чорвачилик, йилқичилик ва овчилик эди. Бу қабилалар ўртасидаги доимий курашларда ҳудуд учун чорва ерларини бир-биридан тортиб олишга интилиш, бошқа уруғларни сиқиб чиқариш борасида иттифоқларга бирлашиш каби жараёнлар оддий ҳолат ҳисобланган. Вақти-вақти билан кучайган қабилавий иттифоқ бошқа қабилавий иттифоқни ўз таъсир доирасида тутиб турган. Марказлашган давлат бўлган Хитойдаги Хан империясининг шимолий ҳудудларига хужумлар уюштирган. Бу юришлардан мақсад ўз иқтисодий эҳтиёжлари учун Хитой бозорига кириш ва ўтроқ маданиятга хос маҳсулотларни қўлга киритиш бўлган. Бу қабилалар иттифоқи умумманфаатлардан келиб чиқиб, ўзаро муроса ва ҳамкорликка суянган. Бунда кучлар мувозанати сиёсий муаммоларни ҳал этган. Ҳарбийлашган кучлар, асосан, ҳарбий қўмондонлар қўлида мужассамлашган. Хусусан, хитой тилли манбаларга кўра, хунн қабилалари ўз қўмондонларини “шаньюй” ёки “буюк шаньюй” деб номлаганлар, усунлар эса ўз ҳарбий сардорларини “хуньбий” деб номлаганлар. Айнан юе-чжилар эса ўз саркардаларини (*ёки ҳокимлари* – Б.А.)га “ябғу/жабғу” деб ном берганлар<sup>5</sup>. А.Ходжаев юе-чжи номини қадимги хитойликлар “нгоуэ” ёки “рузиэ” шаклида талаффуз қилганлигини<sup>6</sup> таъкидлайди. Хуннлар йигирма тўрт қабиладан ташкил топган иттифоққа бирлашган (аммо бу кучманчи уруғларнинг номлари бизгача етиб келмаган). Табиийки, юе-чжилар жамияти ҳам кучманчи (номад)лар ҳарбий демократияси асосида бошқарилган. Яъни Марказий Осиёдаги кучманчилар давлатида ҳокимият одатда акадан укага ёки ҳукмдорнинг жиянларига<sup>7</sup> ўтиш урф-одати мавжуд бўлганлиги қайд этилган.

Кучманчилар маданият вакиллари ўз давлатчилик асосларини ва таъсир доираларидаги ҳудудларни чегара сифатида белгилаб олган. Хуннлар шаньюйи Модэ (ёки Маодун) (мил.авв. 209-174 йй.) энгил қуролланган отликлардан иборат туман (ун минг кишилик ҳарбий)ларини ҳамда оғир қуролланган суворийлардан иборат бўлинмаларини тузиш орқали ўз ҳарбий кучини янада оширган. Дастлаб у мил.авв. 198 йилда шимолда Ўрхон, шарқида Ляохе, ғарбда Тарим дарёсигача бўлган ҳудудларни эгаллаб олди. Юе-чжилар конфедерацияси эса ғарбга силжишга мажбур бўлди. Дастлаб

<sup>5</sup> Крадин Н.Н. Империя Хунну. – Москва, 2001. – С. 110.

<sup>6</sup> Ходжаев А. О топониме Канцзюй в древнекитайских источниках / “O‘zbekiston-Xitoy: Tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2020. – В. 484.

<sup>7</sup> Зусев Ю.А. Ранние тюркы: очерки истории и идеологии. – Алматы, 2002. – С. 15.

улар мил. авв. 205 йили Шарқий Туркистон худудига кириб келди. Хуннлар эса Хан империясининг Тайюань тоғларигача бўлган худудларига қадар кириб борган. Хан императори Лю Бан (мил.авв. 202-195 йй.) Пинчен яқинидаги жангдаги мағлубиятидан сўнг хуннлар шаньюйи Модэга сулҳ тузишни таклиф этган. Кўчманчиларнинг отлик қўшини хитойликлар армиясига нисбатан устунликка эга эди<sup>8</sup>. Мил. авв. 197 йили тузилган “Тинчлик ва қон-қардошликка асосланган сулҳ”га кўра<sup>9</sup>, император хуннлар шаньюйига кўп миқдорда ипак ва оддий матолар, мусаллас, гуруч каби маҳсулотларни ўлпон сифатида тўлаши билан бир қаторда, император ўз қариндошларидан бўлган маликани шаньюйга никоҳлаб бериши лозим бўлган.

Ушбу бобнинг “Юе-чжиларнинг Ўрта Осиёга жойлашуви даврида ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ҳолати” деб номланган иккинчи параграфда Қадимги Бақтриянинг ижтимоий ҳолати фақатгина сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинган. Катта юе-чжиларнинг Шимолий Бақтриядаги дастлаб бўйсундирилган худудлар, асосан, ҳозирги Сурхондарё вилояти ва жануби-ғарбий Тожикистон худудларини ўз ичига олган. У даврда Сурхондарё сувининг Амударёга қуйилиши воҳа атрофидаги ерларни чорвачилик учун қулай қилган. Б.Я.Ставикийга кўра, Шимолий Бақтриядаги аҳоли яшайдиган жойларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

1) йирик шаҳар (умумий майдони 100 га, шаҳар мудофаа деворлари билан ўралган, шаҳар ичида ҳукмдор арки жойлашган);

2) шаҳар (умумий майдони 15-80 га атрофида, мудофаа девори билан ўралган, шаҳар ичида ҳукмдор арки мавжуд);

3) кичик шаҳар ёки протошаҳар (5-13 га атрофида, мудофаа деворлари билан ўралган, ҳукмдорнинг кичикроқ арки бўлган);

4) йирик аҳоли турар-жойи (1,5-4 га.ли, мудофааланган);

5) аҳоли қишлоқлари (1 га майдонни эгаллаган);

6) сарой ёки кўшк (вилла) шаклидаги жойлар (тахминан 0,6 га.ли).

Булардан ташқари, Амударёнинг ўнг соҳилларидан яна икки хилдаги аҳоли турар-жойлари мавжуд бўлган:

1) воҳа кўринишидаги турар-жойлар;

2) тоғ аҳолиси манзиллари<sup>10</sup>.

Катта юе-чжилар даври (мил.авв. II аср охири)даги аҳоли масканларининг аввалги номлари тарихий манбаларда кам қайд этилган. Ушбу худуддаги ҳар бир манзиллар юе-чжилар даврини ўз ичига олиб, улар алоҳида ирригация тизимига асосланган худудларга жамланган. Бундан ташқари, Панж дарёси воҳасидан ҳам юе-чжилар даврига оид масканлар топилган. Бу даврда Помир тоғлари этаклари ҳам кўчманчилар жойлашган худудлар сирасига кирган. Лекин Шимолий Бақтриядаги кўчманчиларнинг масканлари шимоли-шарққа қараб йўналишда нисбатан сийрақлашган.

<sup>8</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимги ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013. – Б. 25.

<sup>9</sup> Бернштам А.Н. Очерк истории гушнов. – Ленинград, 1951. – С. 63.

<sup>10</sup> Ставикий Б.Я. “Кулпанская Бактрия: Проблемы истории и Культуры”. – М., 1977. – С. 44.

Уларнинг аксарияти катта юе-чжилар боққинидан кейин шаклланган аҳоли манзиллари бўлган. Антик давр тарихчиси Плинийнинг таъкидлашича, Бактрияда деҳқончилик маданияти кенг тарқалган бўлиб, ерлик аҳоли ўз далаларида бошоқли экинларни етиштирганлигини айтиб ўтади. Шу билан бирга, Хўжакия, Мозорбоботепа ва Оққўрғон манзилгоҳлари атрофларида зироатчиликнинг бошқа турлари ҳам кенг тарқалган эди<sup>11</sup>. Яъни Шимолий Бактрияда богдорчилик ва узумчилик ҳам равақ топган. Улар орасида мусаллас тайёрлаш алоҳида ўрин тутган эди. Оққўрғондан ташқари Қалъаимир, Далварзинтепа ва Шўртепада ҳам мусаллас тайёрланган<sup>12</sup>.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи “*Кушонларнинг Бактриядаги сиёсати: марказлаштиришдаги муаммолар*” деб номланади. Унда катта юе-чжилар давлати барҳам топгач, худудда сиёсий парокандалик бошланганлиги қайд этилган. Хитой солномаси “Цянжаншу”да таъкидлашича, Бактриянинг маҳаллийлашган кўчманчи сулолалари Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хэйтун, Гаофу ҳокимлик (хи-хеу)ларига бўлиниб кетган эди<sup>13</sup>. Хюми ҳокимлигининг сиёсий ва маданий маркази Хомо шаҳри, Шуанминики Шуанми, Гуйшуанники Ходзо, Хэйтунники Бомо, Гаофунки Гаофу шаҳри бўлганлиги таъкидланади. Мил. авв. I асрнинг охири милодий I асрнинг бошларида Шарқий Бактрия худуди ва Амударёнинг ўнг соҳилида “Сападбиз” деган маҳаллий зодагонлар чиқарган тангаларга кенг тарқалади. Унинг номи билан зарб этилган тангаларнинг намуналари Балх яқинидаги Дилбаржин ва Сурхон воҳасидаги Кампиртепадан топилган. Тангалар, асосан, марказ Балхда зарб қилинган. Бу айни шу худуд орқали муомаладаги тангалар бутун Бактрияга тарқалганлигини кўрсатади. Бирок Г.А.Пугаченкова Сападбиз назоратидаги ерлар фақат Фарбий Бактрияни ўз ичига олган, деган ғояни илгари сурган<sup>14</sup>. Тарихчи В.Рос эса бу худудларни Гуйшуанлар ҳокимлиги кучайишидан олдинги юе-чжи ябғуларидан бири бўлган деган фикрга келади.

Диссертациянинг “Қанг давлатининг Ўрта Осиёдаги геосиёсий, иқтисодий ва маданий ўрни” деб номланган иккинчи бобида асосий эътибор ҳозирги Ўзбекистон ва Қозоғистон худудларида жойлашган қадимги Қанг давлати таҳлилига қаратилган. Бобнинг “Қанг давлатининг вужудга келиши ва худудининг кенгайиб конфедерацияга айланиш жараёни” деб номланган биринчи параграфи давлатнинг геосиёсий саҳнада пайдо бўлиши, қадимги Евросиёнинг кўчманчи халқлари сиёсий ва маданий тарихи билан бевосита боғлиқдир. Зеро, Марказий Осиё минтақасида рўй берган этномиграцион жараёнлар (мил.авв. III-II асрлар) Олтой, Мўғулистон ва Шимолий Хитойдаги кўчманчи халқларнинг ўзаро цивилизацион алоқалари билан боғлиқ эди. Минтақанинг дашт худудларида уруғчилик тузими ҳукм сурган бўлса, мил. авв. III асрда уруғ жамоалари орасида мулкий табақаланиш

<sup>11</sup> Пидасв Ш. Поселения Кушанского времени Северной Бактрии. – Ташкент, 1978. – С. 103.

<sup>12</sup> Пидасв Ш. Поселения Кушанского времени Северной Бактрии. – Ташкент, 1978. – С. 104.

<sup>13</sup> Бичурин И.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. II том. – Москва, 1950. – С. 184.

<sup>14</sup> Пугаченкова Г.А. Ртвсладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. – Ташкент, 1990. – С. 49.

жараёни кучайиб борди. Мил.авв. I минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб, Саян-Олтой-Хангай тоғ бағирларида “илк кўчманчилар” манзилларида номадларга хос маданият шаклланиб бўлган эди<sup>15</sup>. Ушбу маданиятнинг ўзақлари бутун Евроосиё кўчманчилар давлатчилигига ўз таъсирини кўрсатди. Кўчманчиларнинг маданий трансформацияси даврлар кесимида турлича кечган. Кўчманчиларга хос давлатчилик аънаналари Сирдарёнинг ўрта оқимига қадар етиб бориш жараёни саклар давридан буён давом этиб келмоқда. Қадимги сакларнинг антик давр манбаларда “тигра-хауда” деб номланган чорвадор аҳолиси Суғд билан Яксарт дарёси оқими бўйлаб чегараланган худудда аввалдан яшаб келишган.

Кўчманчи қабилалар конфедерацияси негизда пайдо бўлган Қанғ давлати кўпроқ ўтроқ деҳқончилик худудларидан тушадиган солиқлар эвазига ички ва ташқи сиёсатни юргизар эди. Номадлар томонидан тузилган бу империянинг моҳиятини англаш учун “кўчманчи империя” тушунчасига изоҳ бериб ўтиш лозим бўлади: 1) худуднинг йириклиги; 2) ярим мустамлака ёки мустамлака ўтроқ зироаткор ерларнинг тасарруфга олиниши; 3) иқтисодий ҳолатни эгалланган ўтроқ аҳоли ҳисобига тўлдириш. Соҳа олимларидан Р.Талар ва С.Айзенштадлар империяни “илк” ва “сўнгги” каби турларга бўлиб ўрганганлар. Уларнинг фикрича, илк империяда метрополия (марказ ёки ўрда)нинг таъсири қарам худудларга нисбатан унча юқори бўлмаган. Сўнгги империя даврини эса эгалланган худудларни ривожланган метрополияга хом ашё етказиб берувчи сифатида кўриш мумкин. Демак, кўчманчиларнинг Қанғ давлати “илк” империялар категориясига кириши ўринли бўлади.

И.Маркварт антик давр ёзма манбаларга таяниб, Қанғни “Чоч саклари давлати” деб атаган<sup>16</sup>. Ғарб давлатлари билан савдо алоқаларини ўрнатишга уринган Хан империяси Шарқий Туркистон худуди орқали Ўрта Осиёга ўз элчиларини юборган. Мил.авв. 128 йилда Дован ва Қанғ мулклари орқали ўтган биринчи элчи ва сайёҳ Чжан Цян эди. Император У-Ди (мил.авв. 140-87 йй.) уни кўчманчи юе-чжилар билан Хунн империясига қарши шартнома тузиш учун юборган эди. Чжан Цяннинг сафари 12 йилдан ортиқ давом этди, аммо у юе-чжилар билан келишувга эриша олмади. Бироқ у Ўрта Осиё мамлакатлари худудини ўрганишнинг уддасидан чикди. Элчи қабулида бўлишга муваффақ бўлган ҳукмдорлар сафида Қанғ ҳукмдори ҳам санаб ўтилади. Уша вақтга келиб, милодий I асрда Суғд худуди кўчманчи Қанғ давлатига қарам эди<sup>17</sup>. Л.А.Боровкованинг фикрича, Қанғ қабилалари конфедерацияси ўз тарихининг дастлабки босқичида юе-чжиларга Дахя (Шимолий Бақтрия)га ўтиш учун ўз худудидан йўлак тақдим этади. Деҳқончилик ҳўжалигига асосланган Дован давлати эса уларга ўз ерларидан

<sup>15</sup> Кляшторный С.Г., Савинов Д.Г. Стенные империи древней Евразии. – Москва, 2005. – С. 5-6.

<sup>16</sup> Markwart J. Wehrot und Arang. – Leiden, 1938. – P. 188; Geography of Claudius Ptolemy. Transl. into English and ed. by E.J.Stevenson. – New York, 1932. – P. 144.

<sup>17</sup> Литвинский Б.А. Кангуйско-сарматский фарн. (к историко-культурным связям племен южной России и Средней Азии). – Душанбе, 1968. – С. 16-17.

ўтиш учун имконият бермаган<sup>18</sup>. Чунки катта чорва подалари билан келган юе-чжилар деҳқончиликка зарар келтириши ҳисобга олинган.

Катта юе-чжилар билан айрим сак қабилалари иттифокда бўлиб, биргаликда Яксарт ва Окс оралиғидаги ерларни тақсимлаб олишади. Окс (Амударё) суғдийлар ва бақтрияликлар ўртасидаги чегара бўлиб, Яксарт (скиф тилида Силис) саклар ҳамда суғдийлар ўртасидаги чегара бўлганлиги антик давр тарихчилари томонидан таърифланган<sup>19</sup>. Чунки милодий I асрда Суғд Қанғ конфедерациясига бўйсундирилган эди<sup>20</sup>. Б.А.Литвинскийнинг фикрича, бу усулдаги таъсири юе-чжилар билан параллел равишда амалга оширган. Қанғликларнинг милодий I асрдаги этно-маданий ҳолати юе-чжиларники билан ўхшашлиги қадимги хитой солномаларида ҳам келтирилган<sup>21</sup>. Аммо қанғликлар дастлаб жанубдан юе-чжилар, шимолдан хуннлар таъсирида ривожланган. Кейинчалик Хан империяси хуннларни нисбаган кучсизлантиргач, Қанғ ўз суверенитетини тиклаб олган. Зеро, бу даврда юе-чжилар Гуйшуан ябғулиги қўл остида бирлашиб, энди ўз таъсирини Шимолий Ҳиндистонга қаратган эди. Бундай геосиёсий вазиятдан Қанғ давлати унумли фойдаланиб Суғддаги сиёсий мавқеини оширди ва тўлиқ мустақил сиёсат юргиза бошлади. Хоразм (Янцай) ерларини қарам қилишга ҳам эришди. Янцайликлар ҳам Қанғ аҳолиси каби кўчманчи ва ярим ўтроқ ҳаёт кечирар эди. Яъни Янцай аҳолиси Орол бўйи сармат-аллан қабилалари таъсирида бўлганлиги боис, қадимдан Хоразмнинг ўтроқ аҳолиси ҳам кўчманчи сулолалар томонидан бошқарилиб келинар эди. Қанғ давлатида ҳам қарам Янцайдаги каби шаҳарлар бўлганлиги мазкур параграфда ўз ифодасини топган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Қанғ давлатининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти” деб номланган бўлиб, илмий истеъмолдаги маълумотларга кўра, сакларнинг қабилавий иттифокқа бирлашиш даври янги мил.авв. IX-VIII асрларга бориб тақалиши ўз исботини топган<sup>22</sup>. Қадимги саклар орасида мулкий табақаланиш жараёни мил.авв. VII-VI асрларда кучая бошлаган. Бу ҳақда Тасмолин маданияти гувоҳлик беради<sup>23</sup>. Ҳарбий санъатда сак суворийларини ўз даври учун мукамал даражада қуролланган эдилар. Маълумки, мил.авв. VI ардан бошлаб улар қабилавий иттифоклар тузиб, бошқа элатлардан ўз чегараларини ҳимоя қилишар эди. Ушбу қабилаларнинг ижтимоий таркиби, асосан, патриархал уруғчилик урф-одат қонунларига мувофиқ шаклланиб борган. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида йилқичилик муҳим аҳамиятга эга эди. Бу соҳа Ўрта Осиё минтақасида бронза

<sup>18</sup> Боровкова Л.А. Кушанское царство по древним китайским источникам. – Москва, 2005. – С. 48

<sup>19</sup> Пьянков И.В. Средняя Азия в Античной географической традиции. – Москва, 1997. – С. 244-245.

<sup>20</sup> McGovern W.M. The early emperies of Central Asia. – New York, 1939. – P. 400.

<sup>21</sup> Бичурин И.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. II том. – Москва, 1950. – С. 150.

<sup>22</sup> Байпаков К. М. Выдающиеся археологические памятники Казахстана. – Алматы: Асыл Сөз, 2014. – С. 86.

<sup>23</sup> Байпаков К., Таймагамбетов Ж.К. Археология Казахстана: Учебное пособие для студентов вузов. – Алматы: Қазақ университеті, 2006. – С. 147.

давридан буён ривожланиб келган<sup>24</sup>. Икки дарё оралиғи аҳолиси мил. авв. III-IV асрларда деҳқончилик, хунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланишган. Айниқса, бу борада кулолчилик соҳаси алоҳида аҳамият касб этади. Сирдарёнинг ўрта оқимида тарқалган кулолчилик маданияти Икки дарё оралиғи ареали бўйлаб кенгайиб борган. Демак, сак қабилалари хунармандчиликнинг бу турини яхши ўзлаштирибгина қолмай, уни ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари (Сугд ва Бактрия)га ҳам тарқата олганлар<sup>25</sup>. Саклар жамиятида металлургиянинг ривожланиши асосан маъданга бой тоғли ҳудудларда (яъни Тангритоғ атрофлари) кенг тарқалган. Бронзадан буюмлар куйиш ва унга ишлов бериш Фарғона водийсида ҳам мавжуд эди. Бу ерда сакларнинг “хаумаварка” деб номланган ўтроқ аҳолиси яшар эди. Археологик маълумотларга кўра, Катта Фарғона каналини қазिश чоғида бу ердан саклар даврига оид уч оёқли бронза қозон ва сак ханжарлари топилган эди<sup>26</sup>. Бу турдаги ашёлар Еттисув ҳудудларидаги археологик топилмаларга маданий жиҳатдан яқинлиги сакларнинг таъсир доираси қанчалик кенг бўлганлигидан далolat беради. Археологларнинг таъкидлашича, қанғликлар яшаган ерлар Қовунчи, Ўтрор-Қоратоу ва Жетисар маданиятлари ҳудудига тўғри келади<sup>27</sup>. Дастлаб сак қабилалари орасидаги фарқ фақатгина уларнинг ҳаёт тарзи (ўтроқ деҳқон ёки чорвадор) билан ажралиб турган.

Сакларнинг аксарияти кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланган бўлса, айрим қабилалари ўтроқ деҳқончилик қилишган. Аммо сакларнинг бир қисми мил. авв. IV асрда ўтроқлашиб бўлган. Помир ва Фарғона саклари, Чоч сакларидан фарқли ўлароқ шаҳарсозликда нисбатан устунлик қилишган. Қадимги Хитой манбаларида мил. авв. II асрда Даван (Дай-юань)да<sup>28</sup> 70 га яқин шаҳарлар бўлганлиги таъкидланади<sup>29</sup>. Нуфузи эса Қанғ аҳолисиникига нисбатан икки баробар кам (300 мингга яқин)<sup>30</sup> ва Қанғ пойтахти Битян (Қанқа)дан 1510 ли узоқликда жойлашганлиги кўрсатиб ўтилади. Антик давр хитой тилли манбаларда қанғликлар, сугдийлар, даванликлар, шунингдек, кушонлар назорати остида бўлган Бактрия аҳолининг тили бир-бирига яқинлиги айтилади<sup>31</sup>. Демак, қанғликлар сак тилида сўзлашиб, бу тил сугдий ва даванликлар тилидан фақатгина шевалари билан фарқ қилган<sup>32</sup>. Археолог К.М.Байпаков дастлаб саклар ва қанғликларнинг тилини шимолий Эрон

<sup>24</sup> Средняя Азия в древности и средневековье (история и культура). Под.ред. Б.Г.Гафурова и Б.А.Литвинского. – М., 1977. – С. 42.

<sup>25</sup> Литвинский Б.А. Об изучении в 1955 г. Погребальных памятников кочевников в Кара-Мазарских горах // Археологические работы в Таджикистане в 1955 году. – Сталинабад. 1956. – С. 42.

<sup>26</sup> Берилтга А.Н. Древняя Фергана. – Ташкент, 1951. – С. 8.

<sup>27</sup> Байпаков К.М., Воякин Д. Выдающиеся археологические памятники Казахстана. – Алматы: Асыл Сөз, 2014. – С. 91.

<sup>28</sup> Ходжаев А. О топониме Канцзюй в древнекитайских источниках / “O‘zbekiston-Xitoy: Tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalari rivoji” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2020. – В. 482.

<sup>29</sup> Бичурин И.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. II том. – Москва, 1950. – С. 187.

<sup>30</sup> Ўша жойда – Б. 186.

<sup>31</sup> Ўша жойда – Б. 188.

<sup>32</sup> Подушкин А.Н. Уникальные эпиграфические артефакты городища Культобе // Актуальные проблемы исторических дисциплин в системе образования Казахстана. – Шымкент, 2008. – С. 15.

халқлари тилига оид<sup>33</sup>, деб таъкидлайди. А.Н.Бернштамнинг фикрига кўра, бу аҳоли орасида милодий I асрдан прототурк тилининг таъсири ошган<sup>34</sup>.

Қанғ давлатида хунармандчиликнинг кулолчилик соҳаси ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Археологик маълумотларга кўра, керамикага ишлов бериш техникаси Қанғ давлати юзага келишидан аввал (мил.авв. IV аср) пайдо бўлиб, милодий IV асрда ҳам деярли ўзгармаган<sup>35</sup>. Сакларнинг айрим қатламлари шаҳарларда ва шаҳарчаларда яшаб, савдо-сотик билан ҳам шуғулланганлар. Қанғлик зодагонлар эса алоҳида кўрғонларда истиқомат қилган. Масалан, Тароздан 40 км шарқда жойлашган қалъа шаклидаги Акиртас саройи бунга мисол бўла олади. Акиртас кўрғон шаклидаги саройнинг хронологик даври мил.авв. IV-II асрларга оид бўлиб, қадимда ушбу кўрғон атрофидан тоғ ирмоқлари тўлиб оқиб ўтган<sup>36</sup>. Бу кўрғон илк асрларда кенгайтирилган. Атрофида серунум тупроқ ва булоқлар кўп бўлган. Бу ерда чорвачилик ва мавсумий деҳқончилик билан ҳам шуғулланиш имкони мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Кушон империясининг Қанғ давлати билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари”** деб номланган учинчи бобида Кушон империяси ва Қанғ давлатлари Ўрта Осиё тарихида катта из қолдиргани, икки давлат ўртасидаги муносабатлар масаласи таҳлил қилинган. Мазкур бобнинг биринчи параграфи **“Кушон империясининг Қанғ давлати билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари”** деб номланади. Мазкур параграфда ижтимоий ва сиёсий божқарув тизимлари асослари, уларнинг иқтисодий ҳаётида кўчманчи чорвачилик устунлик қилганлиги кўрсатиб ўтилган. Қадимий асосларга эга кўчманчилар иқтисодиётини ўзаро таққослашга қаратилган алоҳида тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, чорва тарқиби ва ундаги турларнинг ўзаро фоиз нисбати, да-юе-чжелар, шунингдек, қанғликларнинг янги жойларга кўчиб бориш жараёнида ўзгариб турган. Бунга кўчиб бориш масофаси, маршрут йўналишлари ҳамда озик-овқат заҳираси, шунингдек, эгалланган ҳудудларнинг ландшафт тузилиши ўз таъсирини кўрсатган. Чорва микдорини кўчиб борилган ернинг унумдорлиги ҳам белгилаган. Кўчманчи чорвачилик учун қулай муҳит ҳамда номадлар ва мазкур ҳудудда яшаган ўтроқ аҳоли ўртасидаги табиий чегараларни аниқлаш уларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. Археологик маълумотларга кўра, Бактриянинг қанғликлар назорати остидаги Суғд билан чегараси юе-чжилар даврида Шўроб дарёси олдидаги ҳозирги Шерхўжа қалъаси (2 км.га тенг) олдида ўтган<sup>37</sup>. Бу чегара нуқтаси дастлаб мил.авв. II-I асрларда кичик бир божхона манзили вазифасини бажарган. Зеро, Э.В.Ртвеладзе томонидан олиб борилган археологик қазिशмалар чоғида Шерхўжа қалъаси олдида Юнон-Бактрия давлати даврига оид топилмалар

<sup>33</sup> Байпаков К.М. Древние города Казахстана. 2-е изд., перераб. и доп. – Алматы, 2007. – С. 27.

<sup>34</sup> Литвинский Б.А. Кангюский-сарматский фарн (к историко-культурным связям племен южной России и Средней Азии). – Душанбе, 1968. – С. 20.

<sup>35</sup> Уша жойда. – Б. 12.

